

200.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ ТАЙЁР! БУНКЕРЛАРДАН 130.000 ТОННА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 194 (3676).

Шанба, 30 сентябрь 1967 йил.

Баҳоси 2 тийин.

● Оққўрғон азаматлари йиллик планнинг 4,78, Бўка баҳодирлари 4,63, Ўрта Чирчиқ мардлари 4,54 процент миқдорида пахта тайёрладилар. Йиғим-терим илғорларига офарин!

ЗИЁКОР

Биз уни зиёкор деймиз. У чиндан ҳам инсон қалбига ва онгига кўр оқиб кирувчи, уни маърифат чашмасидан баҳраманд этувчи, катта ҳаёт йўлига олиб чиқувчи доно мураббий, меҳрибон тарбиячи ва сеvimли устоздир. У чиндан ҳам инсон тарбиятувчи, қай йўнида яшаш ва курашишга ўргатувчи, ёш наслини тарбиялаб воқифа етказувчи меҳнаткаш инсондир.

Ўқитувчи! Бу ном биз учун нақадар, таниш, дилмишга яқин ва қадри! Уни кўчада, мактабда, турли йиғинларда, тўй-маъракаларда кўрганмишда ўрнимиздан туриб савоб берамиз, ҳурмат-эҳтиром билан кўтиб оламиз. Чунки у бизнинг биринчи устозимиз, тарбиячимиз. Биз ундан илмни, маърифатни ўрганамиз, фан асосларини ағаллаймиз. У зиннинг бутун қобилиятини, талантини ништа солиб, бизга тарбия беради, сира эримасдан ва жуда кўп меҳнат сарфлаб, саводимизни чиқаради, катта ҳаёт йўлига етказиб беради. У ҳар доим бизнинг энг яқин маслаҳатдўстимиз ва меҳрибон кишимиз сифатида кўз ўнгимизда таваллаб туради. Биз ундан доно ўрганамиз ва тарбия оламиз. Шу қадар азиз ва муҳаббатдор бизнинг доно ўқитувчимиз.

Ўқитувчилик касби энг машаққатли ва сермеҳнат, шу билан бирга олижаноб ва шарафли касбдир. У зиннинг бутун меҳри кўриши, куч-гайратини ва билиминини ёш авлод тарбиясига бағишлайди. Болага илм бериш ва уни тарбиялашдан ҳам кўра оғир вазифа бўлмаса керак! Бунинг ўқитувчиларимиз жуда яхши тушунишади. Улар ана шу олижаноб вазифани баъжарётганликларини билан чекиш фахрланишади. Бу шарафли вазифа уларнинг ҳар бирига олам-олам қувонч бағишлайди, ёш авлод тарбияси ҳақида доим чинакамгина қайғуришга даъват этади.

Бепоя Ватанимизнинг ҳамма бурчакларида фидокорона меҳнат қилаётган кишиларнинг барчаси дастлабки тахсилни мактабда, меҳрибон ўқитувчиси қўлида олган. Ажойиб шаҳар ва қишлоқларни бунёд этаётган қурувчи ҳам, хилма-хил бойликларни қидириб топиб ишга солаётган инженер ҳам, лабораторияда тунлари нияжа қоқмай илмий кашфиёт билан шугулланётган олим ҳам, осмон сирларини очиб, чекиш кенгликларга парвоз этаётган ботир космонавт ҳам, «оқ олтин»дан тоғ-тоғ хирмонлар уяётган моҳир пахтакор ҳам — ҳамма-ҳаммаси ўз ишнинг сирларини дастлаб ана шу илм даргоҳида ўрганган, ўз ташлаб олган касбига дастлаб шу ерда меҳр кўйган.

Эртага ана шу шарафли касб эгаларининг, сеvimли ўқитувчиларимизнинг улғур айём кўни. Бу йилги ўқитувчилар кўни гоёт қувончли дамларда байрам қилинмоқда. Негаки бу йил мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида жуда катта воқеа нишонланади: инсоният тарихида янги даврини очиб берган Улғу Октябрь социалистик революциясининг шонли 50 йиллиги байрам қилинади.

Октябрь революцияси жаҳонда биринчи социалистик давлатини — ишчи-деҳқонлар давлатини барпо қилибгина, янги фаровон турмуш қурибгина қолмасдан, балки шу билан бир қаторда мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида улкан ўзгаришларни амалга оширди. Шулардан бири — саводсизликни тугатиш, меҳнаткаш халқ ўртасида илм-маърифатни кенг ёйиш масаласи бўлди. Бизнинг қуёшли республикамиз — Совет Ўзбекистони мисолида бу соҳада қилинган жуда катта, революцион ўзгаришларни яққол кўриш мумкин. Революциядан олдин аҳолиси саводсиз бўлган республикамиз Совет ҳокимияти йилларида ёппасига саводхон ўлжага, илм-маърифат масканига айланди. Ҳозир Ўзбекистонда 30 дан ортиқ олий ўқув юртини, минглаб мактаблар ва техникумлар, Фанлар академияси, жуда кўп болалар тарбия муассасалари ишлаб турибди. Тошкент эса республикамизнинг илм-фан, маърифат ва маданият маркази бўлиб қолди.


Областимизнинг мактаблари, педагогик коллективлари ҳам бутун совет халқи билан бир қаторда Улғу Октябрнинг шонли юбилейини муносиб кўтиб олиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар янги, 1967—68 ўқув йилини катта тайёргарлик билан кўтиб олиб, ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишларини яна бошлаб юбордилар.

Областдаги мактабларнинг тармоғи бу йил янада кенгайди, кўни узайтирилган гуруҳлар сон кўпайди. Мактаб-интернатларда 4260 бола таълим олмақда.

Областимиздаги кўпчилик мактабларнинг коллективлари таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш, мактаб билан ота-оналар ўртасида алоқани мустақамлаш, ўқувчиларга билим беришда прогрессив иш методларидан фойдаланиш соҳасида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

КПСС XXIII съездининг тарихий қарорларида, шунингдек КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўрта умумий таълим мактаблари кишини янада яхшилаш чоралари тўғрисида» чиқарган қароридида мактаб-маориф ишларини таъин ҳам равиқ топиришининг кенг истиқболлари белгилан берилди. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, умумий саводсиз йиллиқ таълим тўғрисидаги қонунни амалга ошириш — халқ маорифи органлари, мактабларнинг педагогик коллективлари, жойлардаги партия, совет, комсомол ва жамоат ташкилотларининг муқаддас бурчидир. Шунга эришайликки, бизнинг мактабларимизда таълим олган ўқувчилар ҳар томонлама етук, билимли, маданиятли, яхши хулқ-одобли кишилар бўлиб етишсин, коммунизмнинг актив қурувчилари бўлсин.

Байрамимиз муборак бўлсин, азиз ўқитувчилар, меҳрибон устозлар!



МАЖБУРИЯТИМИЗНИ БАЖАРДИК

Колхозимизда йиллик пахта тайёрлаш плани 12 иш кунинда бажаришга эришди. Мана бугун юбилей шарафига олган қўшимча социалистик мажбуриятни ҳам тўла адо этамиз. Ўтган йили гектаридан 31,5 центнердан ҳосил олган бўлсак, бу йил йиғиб давлат омборига топширилган пахта 35 центнерга етди. Ҳосилдорлик пилладагига нисбатан 11 центнер кўтарилди. Пахтакорларимиз бугун машина тўғрисида эришдилар. Пахта йиғим-теримида бизнинг колхозда кўп меҳнатдан фойдаланиш бутунлай йўқолди, терим фақат машиналар зиммасига юкланди, десак лоф бўлмайди. Далада чаноқдаги пахтадан тортиб, ерга тўкилган пахтага ҳаммаси машиналар ёрдами билан тўла териб олинди. Пайкалларда «загори кеме»лар, ерга тўкилган пахтани теридиган, кўсак теридиган ва кўсак чувидай-ча ўрта ҳисобда 80 тоннадан ошмиш машиналар, айниқса, бу йил умумини ишладилар. Пахта йиғим-терилгандан кейин колхозчилар

этак тутиб пайкал оралашмади. Илгари этак тутиб пахта теридиган колхозчиларнинг вазифалари ўзгариб кетди. Чунки моҳир механикаторларимизнинг баракали меҳнатлари теримда кўп меҳнатга ўрни қолдирмади.

Колхозимиздаги илгарики теримчилар ҳозир терилган пахтани жунатиш, тўкилган пахталарни кўсак чувиш машиналаридан чиқариш сингари ишлар билан шугулланмоқдалар.

Илгари биз пахта терими каюнини ўриб-йиғиб олишга қараганда қийин, узоққа чўзилмаган иш деб ўйлар эдик. Энди бўлса пахта йиғим-теримига қараганда каюнини йиғиб олиш анча мураккаб бўлиб қолди. Демокимизки, пахта йиғим-теримида ишлатилмаган машиналар тақомиллашиб, меҳнат унумдорлиги ошиб борапти. 21 та машинанинг ҳар бири билан ҳозирча ўрта ҳисобда 80 тоннадан ошмиш пахта терилди. Ким Виктор (ишчи) этак звеносида машина билан биринчи

● Юқори Чирчиқ суворийлари бир кунда бункерлардан 6,90, Бўка шоввозлари 5,67, Оққўрғон дала гвардиячилари 5,06, Ўрта Чирчиқ шунқорлари 4,98 процентга етказиб пахта тўкдилар. Баракалла, азаматлар!



СОВЕТ-ТУРКИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Коспгин билан Туркия республикаси бош вазир Сулаймон Демирел ўртасида олиб борилган музокаралар 28 сентябрда Кремлда тугади.

Дўстона ва ошқора вазиятда ўтган музокара вақтида Совет-Туркия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикрлашиб олиш давом эттирилди, шунингдек ҳозирги халқаро аҳолининг баъзи проблемалари муҳокама қилинди.

(ТАСС).

ТУРКИЯ БОШ МИНИСТРИ ВАТАНИГА ЖўНАБ КЕТДИ

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Совет Иттифонида расий визит билан келган Туркия республикасининг бош вазир Сулаймон Демирел 29 сентябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди. Икки дўст мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган Визукоз аэродромида Туркия ҳукумати бошлигини СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Коспгин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полинский ва бошқа Совет давлат арбоблари кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

УЧ КОЛХОЗ ҒАЛАБАСИ

● Ҳар кунни редакциямизга хушхабар кетидан хушхабар етиб келмоқда. Кека Юқори Чирчиқ районидида «Ленин» қўшма колхоз азамат пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарганликлари тўғрисида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бу колхозда она-Ватанга 1376 тонна «оқ олтин» ариғуғон этилди. Машина терими юзасидан берилган топшириқ 170 процент бажарилди. Гектардан олинган ҳосил 26 центнерданга етди.

Колхозда қимматли хомашё луб экинларидан ҳам юқори ҳосил олинмоқда. Шу кунгача 18 минг 840 тонна каноп поёси топширилди, план ортиги билан бажарилди. Колхознинг миришкор деҳқонлари Совет давлатининг 50 йиллиги юбилей шарафига ўз зиммаларига янги мажбурият олдилар. Улар пландан ташқари яна 250 тонна пахта, 2 минг тонна каноп поё-

си етказиб бериш учун курашмоқдалар.

● Уша кунин Оққўрғондаги Ҳамза номида «Заря коммунизма» колхозлари аъзолари ҳам маррага етиб келдилар. Ҳамза номида колхозда йиллик план 15 иш кунинда бажарилди. Гектардан 25 центнердан ҳосил олинди. Ана шу ҳосилнинг деярлик ҳаммаси машиналарда териб олинди. Колхоз аъзолари планга қўшимча яна 135 тонна пахта топшириш учун бел боғладилар.

● «Заря коммунизма» колхоз аъзолари эса 13 иш кунинда рапорт бердилар. 975 тонна пахтанинг 936 тоннаси машиналарда терилди. Барча ҳосил биринчи сортга қабул қилинди. Эдилликда Ватанга яна 250 тонна пахта топшириш учун қизғин кураш бормоқда.

Йиғим-терим илғорларига тенглашиш!

В. Н. КИМ,
Оққўрғон районидидаги Ленин номида колхоз раиси.

Суратларда (юқорида): Колхознинг механизатор-завено бошлиғи М. Холатов (ўнгда). У ҳозирча 85 тонна пахта терди. (Чапда) хўжалик даласида «загори кеме»лар пахта теряпти. Чапдаги суратларда (юқорида): колхоз раиси В. Ким, звеноси бошлиқлари У. Темирбоев ва В. Ким ўртоқлар.

А. Абалин фотолари.



Журнал ТАХТАСИ

Юбилей йили пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар област «ЖУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар.

«Ленинград» колхозининг Р. Холатов бошлиқ участкаси. Бу участка пландан ташқари 150 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Оққўрғон РАЙОНИ БЎИЧЧА
«Ленинград» колхоз (раиси В. Н. Пак, партия ташкилотининг секретари Зокров, бош агроном В. С. Пак, бош инженер Усмонов, комсомол ташкилотининг секретари Д. Де Уртоклар). Бу колхоз пландан ташқари 170 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

«Победа» колхоз (раиси Пак, партия ташкилотининг секретари Ан Ман Хо, бош агроном Хегай, бош инженер Жанитов, комсомол ташкилотининг секретари Холтурсунов ўртоқлар). Бу колхоз пландан ташқари 125 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

К. Маркс номида колхозининг Исмет Беркинбоев бошлиқ участкаси. Бу участка пландан ташқари 146 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎИЧЧА
«Партия XXII съезди» колхозининг Исрофил Нисов бошлиқ участкаси. Бу участка пландан ташқари 51 тонна пахта сотиш мажбуриятини олган.

Юбилей йили ОҚ ОЛТИНИ

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 29 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобда).

Районлаш	бир кунда	мавсум бошидан бери	Машина терими	
			бир кунда	мавсум бошидан бери
Янгийўл	3,25	72,75	3,28	74,23
Оққўрғон	4,78	72,74	5,06	83,03
Юқори Чирчиқ	3,71	60,55	6,90	87,93
Ўрта Чирчиқ	4,54	59,86	4,98	74,54
Бўка	4,63	59,63	5,67	73,06
Орғоникдз	4,47	55,58	5,28	40,64
Бекобод	3,31	34,40	3,82	36,16
Область бўйича	4,14	61,41	4,82	71,40

ПАРТИЯГА МИНГ РАҲМАТ!

КПСС XXIII съезди совет халқининг моддий фаровонлигини янада яхшилашнинг перспектив, йўлларини белгилаб берди. Партия ва ҳукуматимиз шунга асосланиб, нурули коммунизм биносини барпо этаётган меҳнаткашлар ҳақида ҳар томонлама катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Ҳалол ва сийқидил меҳнатимизни муносиб қадрлашмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир совет кишини қалби янада гурур ва фахр ҳуйғусига тўлиб-тошган, ижодий гайрат ва ташаббуси жўн урган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқда, Ватан бойлигига бойлик, кўрқинга-қўрқ, обрўсига обрў қўшмоқда. Чунки кўпийликлан совет кишилари ўзларининг қайноқ меҳнатлари бекиш кетмаётганини, балки буюк мақ-

сад сари қаратилганини ва бу меҳнат муносиб қадр-қиммат топишини яхши биладилар. Корхонамиз коллективия ҳам барча меҳнаткашлар сингари Совет ҳокимиятининг эллик йиллиги юбилейини янги зафарлар, баракали меҳнат билан нишонлашга интиломоқда. Ойлик ва квартал топшириқлари муттасил ортиги билан адо этиляпти. Маҳсулот ишлаб чиқаришининг сон ва сифат кўрсаткичлари кўнма-қўн, ойма-ой ўсиб борапти. Барча цех ва участкаларда юбилей шарафига авж олган социалистик муСОБАҚА корхонамиз олдига турган беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларининг муваффақиятли бажарилишига умид боғлайди. Бу партиямиз

XXIII съезди белгиланган қарорларининг комбинатимиз коллектив томонидан изчил амалга ошириляётганини кўрсатади.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини ўқиб беҳад хурсанд бўлиди. Қандай яхши! Халқимизда «Меҳнатинг — зийнатинг», «Меҳнатинг — қадр-қимматинг» деб шунга айтишар экан да. Бу хушхабарни бутун комбинатимиз аҳли зўр миқнатдорчилик билан кутиб олди. Юсак ғамхўрликка жавобан янада унумлироқ меҳнат қилишга бел боғладик.

Сади ПАЛАТОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси тўқувчиси, КПСС XXIII съезди қатнашчиси.

ЭРТАГА—ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ МУАЛЛИМ—УСТОЗ

ТҮНҒИЧ МАКТАБ

1927 йил, Тошкент областининг Юқори Чирчиқ районидagi қишлоқларда янги ҳаёт, янги ҳаёт, янги ҳаёт тарбия изга солинатган пайт. Уша пайтларда ёш авлоднинг ўқитиш, уларни даярловнинг муносиб ишчилари қилиб етиштириш муҳим вазифа эди. Бу вазифани амалга оширишда дастлаб районда партия комитети секретари бўлган Р. Норбоев, район ижроия комитетининг раиси Д. Дармиевлар жонбозлик кўрсатди. Улар шу йили район халқ маорифи бўлимининг мудирини бўлиб ишлаган Эҳсон Шониров билан биргаликда Янгибозор қишлоғининг ҳозирги Заводская кўчасида янги мактаб қуришни бошлаб юборишди. Мактабда ўқув-тарбия ишлари ушқоқлик билан бошлангач, районнинг Сурағент, Усмонов, Бордонкул, Саксонота ва Болта қишлоқларида истиқомат қилувчи меҳнатчилар ўз фарзандларини шу даргоҳда — доҳимиз Владимир Ильич Ленин номи билан аталган мактабда ўқитишга қарор қилишди.

Мана, орадан анча йиллар ўтди. Бу йиллар мобайнида қишлоқлар ҳам, мактаблар ҳам, ишчилар ҳам ўсиб қамолатга етди. Тўқайворлардан, чаналакзор ва ботқоқликлардан иборат бўлиб ётган кўрмисиз, пасткам ўйлар ўзининг янги тилда солинган кўпхонали, ҳашаматли ўйлар аталди. Халқ маорифи ўсиб ривож топди. Қишлоқларда мактаблар очилди. Дастлаб бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаб бўлган 1-мактаб эса (ҳозирги 7-мактаб) ўн йиллик мактабга айлантирилди.

Шу улғу айём кунларида биринчи ташкил қилинган бу мактабнинг тарихига назар ташлар эканмиз, унинг Мендибеков, Жўраев, Бўкеев, Қаримов, ака-ука Хўжабоевлар сингари биринчи ўқитувчилари номини фариш билан тилга оламиз. Ҳозир улар қўлида ўқиб, юрта етган ёшлар районимиздаги кўлхоз ва совхозларда, ташкилот ва муассасаларда, Иттифоқининг турли жойларида хизмат қилишарди. Оқ овул қишлоқ Советининг раиси Сотиқиди Назаров, Макаремов номи 66-мактаб директори Сергей Степанович Пой, Олмаота Педагогика институтининг профессори, филология фанлари доктори О. Қўлибеков, Москвадаги касалхоналардан бирида врачлик қилаётган Лидия Леоненко, Ўзбекистон ССР Халқ маорифи министрлиги молия бошқармасининг бошлиғи Қ. Қорабековларни олайлик. Улар шу мактабнинг илк қадирчилари.

Ҳозир биз таърифлаётган мактабнинг 814 ўқувчиси бор. Улар рус, ўзбек, қозоқ, татар ва бошқа миллатларнинг фарзандларидирлар. Буларнинг 16 та олий, 24 та ўрта ва тўлиқсиз олий маълумотга эга бўлган педагоглар ўқитиб, тарбиялашапти. Бу йил мана шу малакали ўқитувчилар қўлида тарбияланган 46 йигит-қиз 10-синфни, 75 йигит-қиз эса 8-синфни муваффақиятли тугаллаб чиқди. Ҳозир буларнинг 30 тасидан ошгани олий ва ўрта ўқув билим юртиларида ўқишни давом эттиряпти. Қолганлари эса райондаги кўлхоз, совхозларда, ташкилот ва муассасаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида, мактабларда ишламоқдалар.

Мактаб партия, комсомол ва касба союзи ташкилотлари 1967-1968 ўқув йилини ҳар томонлама шайланган ҳолда бошлаб юборди. Мактабдаги ўқитувчи ҳамда ўқувчилар шу кунларда Улғу Октябрьнинг шонли 50 йиллик юбилейини муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Т. ҲАКИМОВ.



АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК

Тошкент область халқ маорифи бўлими мудирининг

ўринбосари Н. ЗАГОРУЙКО билан суҳбат

Эртага ўқитувчилар кун. Бу кунни барчамиз зўр шодиёна билан ўтказамиз. Чунки оддий ишнинг ҳам, дондор пахтакорининг ҳам, олим ва инженернинг ҳам ўз ўқитувчиси, ўз устози бўлган.

Советлар ҳокимияти даврида ўқитувчиларнинг катта армияси етишиб чиқди. Улар мамлакатимизда маданий революцияни амалга оширишда, халққа билим бериб саводни чиқаришда тер тўкиб меҳнат қилдилар. Мана бугун Советлар Ватани саводхон ўлкага айланган. Биринчи ўқитувчилар қўлида ҳарф танган ишчилар эндиликда академик, профессор, инженер... Коммунизм моддий техника базасини яратётган барча касб ишчилари қатори бизнинг мураббийларимиз ҳам шу кунларда янги давр кишисини тарбиялашда, билимдон кадрлар тайёрлашда ҳармий меҳнат қилмоқдалар.

Тошкент области билим даргоҳларида ҳозир 12 минг 764 ўқитувчи фаол ишлаб келяпти. Бу 1963 йилга нисбатан қариб 2 минг кўпдир. Юбилей йилида ўқитувчилар сифи яна 650 кишига кўпайди. Бу ёш кадрлар олий ва ўрта махсус ўқув юртиларини тамомлаб чиқишган. Янги ўқув йилида ўқитувчиларимиз пландаги 343070 ўқинга 343110 ўқувчига таълим бераётдилар. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Халқ маорифи ходимлари юбилей йилида ҳар қачонгидан ҳам кўпчилик натижаларини кўлга кiritишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йил Бўка, Калинин, Оржоникидзе, Бекобод районларида болаларни ўқишга жалб этиш намунали йўлга қўйилди. Мактаб ишдаги болаларнинг барчаси ҳозир ёруғ синфларда билим кўчиларини эгаламоқдалар. Юбилей ўқув йилида областимиздаги 15 та мактабда кўни узатирилган гуруҳлар ташкил этилди. Бу мактабларда 34324 ўқувчи таълим олмақдалар.

чи таълим олапти. Шунингдек, бу йил мактаб интернатларида билим олаётган ўқувчилар сонин ҳам анча кўпайган.

Қишлоқ ўқитувчиларининг самарали ишлашлари учун қишлоқ хўжалик артеллари раҳбарлари катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Калинин районидagi Карл Маркс, Генерал Раҳимов номи кўлхозлар, Оржоникидзе районидagi «Коммунизм», Киров номи совхозлар, Бекобод районидagi Ленин, Дзержинский номи кўлхозлар ва бошқа хўжаликлар ўз территорияларидаги мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда катта ёрдам кўрсатдилар. Юқори Чирчиқ районидagi «Ленинский путь», «Правда» кўлхозлари, Урта Чирчиқ районидagi Куйбишев номи кўлхоз, Оржоникидзе районидagi Пахталик институтини, Чирчиқдаги «Ўзбекхимваз» заводи янги мактабларни қуриб фойдаланишга топширди. Бу мактабларда шу хўжаликлар меҳнатчиларининг фарзандлари таълим олимоқдалар.

Бизда эл ҳурмати кўзongan мураббийлар оз эмас. Областимизда халқ маорифи ривожлантиришга муносиб хисса қўшган 62 кишига «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилган. 1162 ўқитувчи ҳукумат ордени ва медаллари билан мукофотланган. 518 ўқитувчи «Халқ маорифи ёлчилик» нишонига сазовор бўлган. 326 ўқитувчи эса маҳаллий Советларнинг депутатларидир. Биз катта айём арафасида Оржоникидзе районидagi 32-мактаб ўқитувчиси Е. Ҳожиёв, Урта Чирчиқ районидagi 67-мактаб ўқитувчиси Э. Эрматов, Чирчиқ шаҳридаги 15-мактаб ўқитувчиси Р. Зокорова, Оқўрғон районидagi 38-мактаб ўқитувчиси Т. Беседина каби ўқиб, юзлаб халқ маорифи жонқурларини чин қалбдан қутаймиз. Уларнинг ишлари да катта муваффақиятлар тилаймиз.

САРДОМ МУРАББИЙ

Оқ сариқдан келган кувонк табиати бу отахон мураббийнинг республикамизнинг ҳамма жойида жуда яхши билишди. Дастлабки ўқувчилари эндиликда республиканинг таълим муассасалари бўлиб етишган. Биринчи доғ, бири кичирек, яна бири олим. У 50 йилдан бери зиё тараққиди, одамларга билим беради.

Халқимиз эсда. Эгинда оқсўр қўйлақ, оёқланган эди. Домларнинг турткисини об маҳаллий муслмон мактабиди не азоблар билан ўқирди. Лекин у чидади. Шу ерда дастлабни хатсаводини чиқариб олди. У ўз тенгқурларини орасида анчагина ушқоқ бўлса ҳам захин дуруст эди. Хатсаводини қариб олган, бир амаллаб Рус-тузем мактабига кириб олди. Мактабим аёло баҳолар билан биткиди. Кейин ўқитувчилар тайёрлаш курсини тамомлади.

Улғу Октябрь социалистик революциясини галаба қилиб барча учун билим даргоҳлари кенг очиб қўйилган Халил ака Қайюмов халққа билим беришга киришди. У халқни ўқитиш билан бирга ўзи ҳам чинқиб борди. Абдулла Авлоний, Н. П. Архангельский каби

устозларига ёндошиб уларнинг ўқув-тарбия соҳасидаги тажрибаларини ўрганди. 4, 6 ва 8 ойлик



Суратда: кекса ўқитувчи Халил ҚАЙУМОВ.

таълим-тарбия курсларини тамомлади, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш курсларида ўз малакасини ошира борди.

Давр тинмай изланишнинг, педагогик ишнинг янгидан-янги сирларини синчиловлик билан ўрганишнинг талаб этар эди. Касбига меҳри тушган Халил ака 1930 йилда мактабда ишлаб туриб Урта Осиё Давлат университетининг тил ва адабиёт бўлимига ўқишга кирди ва олий маълумотли бўлди.

Халил ака Қайюмов ўша пайтлар кўпгина билим юртиларини ташкил этишда бошқош бўлди. Республикада областлариди педагогика техникумлари очиб, ўзи ўқитувчилик қилди. Республикадаги эндилик кадрларга наққошлик низоғда кўчили бўлган бир пайтда у Қосимбек Йўлдошев, Эргаш Йўлдошев, Мажиб Йўлдошев, Абдурахмон Назаров каби тошкентлик ўқитувчилар билан бирга Хоразмга жўнади. Хева шаҳрида қишлоқ хўжалик техникумига раҳбарлик қилди. Хоразмда ишлар юришиб кетган, яна Тошкентга қайтиб қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, сийёсий-қарув, халқ хўжалигини ҳисобга олиш техникумлари, бир

қатор мактаб ва курсларда директорлик қилди ҳамда дарс берди.

Халил аканинг пойқадам етагани жей қолди. У тазога ходимларини ва маориф раҳбарларини тайёрлаш курсида ҳам ўзбек тили ва стилстика фани юзасидан лекциялар ўқиди. Тошкент Давлат педагогика институтини, эрлар ва хотин-қизлар педагогика техникумлари, ўқитувчилар институтини тил-адабиёт факультетларида ўзбек тили норматив, ҳозирги замон ўзбек тили ва ўзбек тили методикаси курслари бўйича ташвиқ ўқитувчи бўлиб ишларди.

Халил Қайюмов оддий педагог эмас. У моҳир журналист ва етух методист ҳамдир. У 1931 йилдан бери илгор совет педагогикаси юртиларининг актив тарғиботчиси сифатида матбуотда қатнашиб келмоқда. Утган давр ичинда босилиб чиққан 140 босма листга яқин ўқув-тарбия, методик ва илмий-оммабоп мақолалар, қўлланмалар Халил ака қаламига мансубдир. Устоз мураббий умумий таълим мактабларида тил ва адабиётни ўқитишга доир 30 та яқин ўқув программаларини ишлаб чиқди. Жумладан, 1931—1959 йилларда бошланғич синфлар учун бир неча бор она тили ўқув программаси, ишчи факультетлари, ўсмирлар мактаби учун методик курсатмалар ва бир қанча методик хатлар эди.

Халил ака 15 дан ортиқ нонда дорисин ёзган. «Ўқитиш китоби» деган тортиб то кўп-соқоллар аннотацияга бўлган дарсликлар Халил ака ижодининг махсулидир. Унинг «Қар-соқов дақлология афазити», «Савод ўргатиш методикаси», «Изоҳли ўқитишнинг тарбиявий аҳамияти» каби кўпгина илмий китоблари мутахассислар томонидан юқори баҳоланган.

Сардом мураббий Халил ака Қайюмовнинг яқин асрилик меҳнат ерда қолмади. Партия ва ҳукуматимиз бу камтарин ходимини ардоқладилар. Унга 1943 йилда «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони берилди. Кейинроқ халқ маорифи ёлчилик си бўлди. Республика Олий Совети Президиумининг фарҳири билими, Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг мактов қозоғлари билан тақдирланди. Толмас маърифатчи Халил ака Қайюмов ўтган давр мобайнида халқ маорифи раҳнақи учун нимаки қилган бўлса ҳаммасини Октябрьнинг шонли юбилейига бағишламоқда.

М. ХИДОЯТОВ.

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтини методисти,

СЕРКУЙШ Республикамизда

САМОЛЕТЛАР ЯНА УЧМОҚДА

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари машина терини олтидан гузалари дастлабни дефолиация қилиш маъсуи топширини бажардилар. Улар бир миллион юз минг гектар пахтазорини хиниявий препаратлар билан дориллаб ўза баргларининг тез тўқилишини таъминладилар. Бухоро, Андижон ва Тошкент областлари нолхоз ва совхозларининг далаларида гузалар хали усаётган участкаларида бу иш таъдор ўтказилмоқда.

«ТАБАССУМ» АНСАМБЛИ—ПАХТАКОРЛАР

МЕҲМОНИ

АНДИЖОН, 26 сентябрь. «Табассум» — Андижондаги уч олий ўқув юрти-медицина, педагогика, тиллар институтлари, шунингдек музика билим юрти студентлари ташкил қилган қўшиқ ва рақс ансамблидир. Студентларнинг каникуллари ва меҳнат семестри вақтида бу ансамбль қиришларда, шаҳар ва қишлоқларда пайдо бўлади, ҳозир пахта теримининг долзарб кунларида «Табассум» дала шийпонлари, нолхоз клублари сари шомилда.

Студентларнинг ижодий коллективини ўзининг кузги маршрутининг Москва районидан бошлади. Студентлар «Москва», Киров номи, «Қишлоқ юлдузи» нолхозларида СССР халқлари ва чет мамлакат халқларининг қўшиқларини, ғазали ва замонавий рақсларини, шўх интермедия, ҳазил қўшиқларини ижро этдилар. Бу хўжаликларнинг деҳқонлари ижрочили маҳоратлари учун студентларни олқишладилар.

Музика билим юртининг студенти Расау Мамаджонов яхши ашула айтади. У композитор Мирзажон Тиллаевнинг «Андижон» қўшиғини моҳирлик билан ижро этди. Нолхозчилар ўз қўшиқлари ва рақслари билан томошабинларни мафтун этган ола-сингил Қундузхон ва Юлдуз Аминоваларни, Гулнора ва Дилором Ҳамидоваларни самимий табриқладилар.

Ижрим-терин қизгин давом этаётган шу кунларда «Табассум» ансамбли Избоскан, Учқўрғон, Чуст районларидаги нолхоз ва совхозларда бўлади. Фарғонанинг қўриқ ерларидаги меҳнатчилар ҳузурига боради.

ДЕФОЛИАЦИЯ ТУГАЛЛАНДИ

Андижон областининг пахта далаларида самолётларнинг шовқини тинди. Қишлоқ хўжалик авиациясининг учувчилари гуза баргини тунтириш маъсуи топширини бажардилар. Избоскан районидagi нолхоз ва совхозлар гузаларини хиниявий йўл билан дориллаш планини бир ярим баравар ошириб адо этдилар. Андижон областидаги хўжаликларда маъжуд қариб 5 минг «зағори кема» учун энди пахтани машинада териш маршрутлари очилди.

«ВИТАМИН КАРВОНЛАРИ»

Республиканинг қабул қилиш пунктларига боллардан «витамин карвонлари» келимоқда. Бог ва тоиларнинг меҳнатчилари мўл мева ҳосили янгиб олмақдалар. Қолхоз ва совхозлар давлатга ҳонирдаёқ 50 минг тонна мева топширди. Бу эса ўтган йилдагига нисбатан 20 минг тонна кўпдир. Яна икки область — Фарғона ва Сирдарё областларининг хўжаликлари мева реализация қилиш йиллик планини муваффақиятли адо этдилар.

УРУҒЛИК БЕДА

Фарғона областидаги қолхоз ва совхозлар уруғини беда ўрмининг республикада ҳаммадан олдин тугалладилар. 1,3 минг гектар майдондаги кўп йиллик ўт уриб олинди. Ана шу ҳосилининг ҳаммаси янчилди. Хўжаликлар минг центнердан кўпроқ уруғ олдилар.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигида қўйилганларини маълум қилдилар. Бу йил уруғини беда майдонини бир минг гектар кўпайди. Ҳосил утган йилдагига нисбатан тазроқ йиғиштириб олинмоқда. Қоразим, Бухоро ва Сирдарё областларининг хўжаликлари ҳосилнинг «олтин фойди» мустаҳкам базасини яратмоқдалар.

ҚУВОНЧЛИ РАПОРТЛАР

Фарғона паррандачилари тухум сотиш йилини ланларини муда-тидан олдин бажардилар. 14 миллион данондан кўпроқ тухум сотилди. Ҳозир республикада 6 область ва Қоракўлпоғистон АССР пландан ташқари тухум сотишмоқда.

Сирдарё областининг полнзорлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб галаба рапортини бердилар. Улар полнз махсулотларини сотиш юбилей йили топширини бажардилар. Савдо шохобчалари Сирдарёнинг машҳур тарвузларидан 56 минг тоннадан кўпроғи етказиб берилди.

(ЎТАП).



Қардом Туркманжон буюкорлари республикамиз пойтахти меҳнатчилари учун уйлар қуришни айкал олиб бортолдилар. Ҳозир қад кўтарган турар-жойларда пардозлаш ишлари олиб боришмоқда. Суратда: илгор сувоқчи Екатерина Гончар. У нормани дом ортинги Н. Мухаммаджонов фотоси.

Яшасам юз йил ҳам
чиқмайди эсдан,
Менга илк алифни ўргатган
устоз,

деб муаллимга таъзим бажо келтирган эди анойиб сўз саяфат-кори, философ-шоиримиз Мақсуд Шайхзода.

Ҳа, устоз-муаллимга ҳар наҳча ҳурмат-эҳтиромда бўлсанг оз.

Маҳмуджон Мирзаҷўд районининг Ҳайдаб қишлоқ советидаги 8-мактабда педагогик фаолиятини бошлаганида 16 ёшли ўспирин эди. Уша кезлар бир томонда уруш, иккинчи томонда ёш авлодга билим-тарбия бериш керак. Маҳмуджон маорифчилар билан бир сафда ўз нимасига қолганган вазифани шараф билан адо эта бошлади.

Совет халқи эришган тарихий галабада Маҳмуджоннинг отаси Сайдахмад аканинг ҳам хиссаси бор эди. Ота жангу жадалларда бўлган вақтда ўил онаси ва икки укасини бағрига олиб, муаллимлик қилди. Кейин ота тинч ижодий меҳнатга қайтган. Маҳмуджон Совет Армияси сафига қақарибди. У

ҳарбий хизмат йилларида комсорг бўлиб ишларди. Бу шарафли ишда ҳам муаллимларга хос тиришқоқлик, меҳнатсеварлик намунасини кўрсатди. Солдатларни юксак ғойлар руҳида тарбиялаш борасидаги жанговар хизматлари учун уни Приморье ўлка комсомол комитети ҳурмат ёрлиғи билан мукофотлади.

1950 йилда ҳарбий хизматдан бўшаб келган М. Сайдахмедов пойтахтдаги 13-ўрта мактабда яна педагогик фаолиятини давом эттирди. 1952 йилда эса шонли Коммунистлар партия сафига қабул қилинди.

Район халқ маорифи бўлими ўртоқ Сайдахмедовнинг алоҳида фаолият кўрсатиб меҳнат қилаётганини эътиборга олиб, уни район педагогика кабинетининг мудирлигига тасвифа этди. Бу вазифада ҳам у ташлаб-бускор ва ишчанлик намунасини кўрсатди. Дастлаб, илгор педагогик тажрибаларни ўқилаш ва умумлаштиришга киришди. Мактаб билан корхоналар ҳамда ота-оналар жамоат-

чилигининг мустаҳкам алоқаларини таъминлашнинг конкрет йўлларини белгилаб чиқди. Район педагогика кабинетининг махсус журналини ташкил этди. 1963 йилда ташкил этилган бу журналнинг шу кунга қадар 28-сонини чиқарибди.

Ўртоқ М. Сайдахмедовнинг ташаббуси билан районда бошланғич синф ўқитувчиларининг 1-йиллий методик конференцияси ўтказилди. Улғу Октябрьнинг шонли 50 йиллигига атаб район мактаблари ўқувчиларининг ифодали ўқиш, энг яхши юритилган дафтарлар, рақс гуруҳлари чиқишлари каби бир қатор масалалар бўйича конкурслар уюштирилди. Райондаги 1—4-синф ўқувчиларининг арифметик олимпиадалари ҳам муваффақиятли ўтди.

Маҳмуджон аканинг энг яхши олатларидан бири шуки, у эришилган муваффақиятлар, қўлга киритилган ютуқлар билан чекланиб қолмайди. Кўпроқ ўрганишга, изланишга, кенг жамоатчилигини фикр-мулоҳазаларини тўплашга интилади.

У. САЛОҲИДИНОВ.

КАРВОНБОШИ ПОЙТАХТИМ

Қўйи-қўйини бойликка тўлдириб келган олтин қузнинг мусаффо тонги. Бешоён даладарда соҳибжамол, етук камол билан ўнган мафтун этиб, киши кўнглига бир дунё завқ-шафқ бағишлайдиган ажойиб тонг бу. Бой келинлардай бор бисотини ёзиб қўйган бу қадрон даладарга суқ билан боққанида унинг талбиркор, миришкор деҳқонига меҳринг ўн чандон ошиб кетади.

Эҳҳе, ер хазинасининг қулфини очиб, шу қадар бойликни бунёд этгунча она-тупроққа оз-мунча пешона терини тўқиниб деҳқон! Неча-неча тулар мижа қокмади, «оқ олтин» ички билан яшадн, шу ишқ унинг қалбига чўғ ташлаб, алангалатиб қўйган, букимлас ирода, жасорат, енгилмас куч ва садоқат бахш этиб қўйган.

Биз уни қузу-қўйининг бадаларини жувиштирувчи изгиринларига бардош бериб, она-ер бағрини қўйишлатиб юмшатаётганида кўргансиз. Биз уни навабдорнинг сулув келинчига далага чорлаганда — мўл ҳосил уруғини илҳос билан қадатганда кўргансиз. Табиат ни-

жиқликларини мардона енгиб, саратон офтобининг олов селида универсал диния бўраётганда хар тул қўйини бақисоли фарзанддек авдаб, қўн қароғида асраб, тварини қилаётганда кўргансиз. Нозик ишқоллар томирлаган шифо бўлсин, деб ҳаёт сн етаклаётганда кўргансиз.

Қўз олдининг ўша деҳқонининг пахтазорини. Ёз бўйи тўққан тери дурдона бўлиб қайтибди буғун. Қўш зарҳалари сонсиз-сансиз олтин қўзачалардан қайб тошган олтин нуқралардаке этиб, нур бўлиб ўйнаб жоланалди. Ўз сайқали билан ираган қўзларни қамаштириб, дини қитқилла аллақандай ҳузув бахш этади. Юз-қўллари муздай урилиб енгил эсаётин шабада ўз қанотида қўшқ қидриб ташиб кетади. Бу қўшқнинг маскани пахтазор. Эл-юрт. Ватан қўз тиниб турган чекка пахтазор! Шу пахтазорда ҳр тонг пўлат олтиннинг тизгини бўшатилди, без боғлаб, пешон тағиб, чоғланиб турган ютаб суворийлар шу пўлат олтинга устима-уст қамчи босишди. Чинакам

қураш бошланади. Жўшқин ҳаёт, қайноқ меҳнат нафаси бутун борлиги билан пахтазорни тўлдириб юборади!

Ингит-қизларнинг қўллари рудла-ю, нигоҳлари дам олган, дам орта боқадн. Деҳқон меҳрини эмган тоалар «мен сезиниб бўлигингизман, тинчлигингизман, усти-бошингиз бутлиги, хонадонинг ободлигингизман, кел, мени тез териб ол, соз териб ол» деб ундаётгандай туюлади.

Машина равои юрлтишим, шпинделлар соз ишлайтишим, тасмалар тўғри айлантишим, дурдона ағаларга тўқилиб қолаетгани йўқми? Хар бир суворийнинг фикри-зирки, хаёли ана шунда, букерларни эрта-роқ тўдириб, принцеллар карвонини эрта-роқ катта йўлга уза-тирди, бири-бирдан кўпроқ, тозароқ териб, совринни бири-чи бўлиб қўлга олишди!

Ҳаракат, кураш, куч зоғга кетаетгани йўқ. Шпинделлар бетининг дамига тортаётган «оқ олтин» нуқралари букерларга кўр сингари ёғилмоқда, кетма-кет принцелларга бўшатилмоқда. Хирмонга тобора барака кирмоқда. Шофер тракторчи-

лар-чи, қандини уришини, уларни пўлат олтин суворийларидан камситиб бўладими, ахир. Хар бир машина тракторга иш-учтадан принц уланган. Бақисоли посзд дейсиз. Ҳа, чинакам посздлар карвони. Ўн бўлади-ми. Зеноларда, бригадаларда кунига 7-8, колхозларда, совхозларда, беш-олти процент-дан.

Бунагани тасвириники уч-тўрт йил илгари ким тасаввур қилибди дейсиз. Иккидан ошир-рилган кўнн дўштинини осмонга оларди деҳқон. Энди бўлса ана шу матонатли, марди-майлон дала гвардиячилари, азамат принцеллар ички процентнинг оғирлиги тутириб юборишди.

Машинанинг селатаси кетсанг арзийди. Буларнинг ҳаммаси ана шу техниканинг широкати. У деҳқонга қанот бағишламоқда, мадад бермоқда. Машина шу машинага илҳос қўйган, уни қадраётган, пўлат олтиннинг жиловини маҳкам тутган суворийларга меҳринг жу-шади, бағринига босгнн кетади. Дилингангиз энг ахши тилакларини айтиб кетади. Ота-ларига минг раҳмат!

Хар кўнн эрта тонг билан мардлар майдонидан дилларин хушнуд этувчи хушхабарлар қанот қокмоқда. Бу хушхабарлар тоғ-тоғ хирмондан, улкан маранадан дарак бермоқда.

— Уртачирчидаги Терешко-ва номи колхоз машина терим планини ошириб бакарди!

— Бўқалик Аҳмад Душаб-ев бошлиқ участка пахтазорлари талаба рапорти берди. 96 процент ҳосил машиналарда териб олишди!

— Михаил Галининнинг шу кунгача букердан тўққан пахта-таси юз тонадан ошиб кўтди.

— Оқўрғондаги Ленин номи, «Ленинград», «Победа» колхозларининг «оқ олтин» иш-қанда ёнган деҳқонлар машинанинг шарофати тўғрйли 11—12 иш кунига маррага етишди...

Бундай хушхабарларнинг кети уюлмайдн. Бу йил пойтахт областининг пахтазорлари ўз зиммаларига юксак мажбурият олган. Ўлар жо-наҳон Совет давлатининг эдлик йиллик тўйига 330 минг тонна «оқ олтин» армуғин этиш мажбуриятини олган.

МАРРА ЯҚИН!



Суратда: Колхоз раиси И. М. Аҳмад Гафуровга колхоз кўча Кизил бағрини тоширмоқда. А. Абалая фотоси.

Бир-бирига тутшиб кетган яхлит пахта пайкаллари олсдан кўзга соқин кўринади, бир-оқ унда қайноқ ҳаёт, кўтаринки меҳнат сурури жўшмоқда. Бир томонда «зангори кема»лар саф-саф бўлиб дур терлани. Иккинчи ёқда теримчи қиз-жу-вонлар «ким ўзгарга» мусобақалаштириш. Борган сайин пахта хирмонлари кўкка бўй чўзмоқда. Янги «оқ олтин» ҳосили оғуш билан қаровил дала йўллари билан қабул пунктлари томон йўлдам бермоқда.

Оқўрғон районидидаги «Москва» колхозининг хар бир кўнн хозир ана шундай бошланади. Эрта тонгдонан азамат механизаторлар бошқарётган терим агрегатларининг қайқирини янгар кетади. Серхиммат пахта-корлар хозирги ганимат вақт-дан унумли фойдаланиб, ҳосил суръатини тобора жаддалаштирмоқдалар. Юбилей йилида олтинган социалистик мажбуриятини қисқа муддатда бажариб, Ватанимизнинг шовли тўйига муносиб тўнлар олиб бориш учун курашмоқдалар.

Машиналар суръатга қанот бўлатди. Хозир колхоз дала-рида 25 «зангори кема» жавлон урмоқда. Машиналар билан бир кўнда йиллик планнинг 4—5 проценти миқдорда пахта те-рилмоқда. Механизаторларнинг гайрати зўр. Уларнинг ҳар би-рини кунига 4—5 тоннага ет-казиб дурдона терити. З. Жўдубоев, А. Тўғизбоев, Ж. Набибев сингари моҳир ме-ханизаторлар мусобақада пешқа-дамлик қилишпти.

Бу йил колхозда йнгим-те-рим массунига, айниқса, машина теримига мухта тайёргарлик кў-риди. Мавжуд 670 гектар экни

„ПРАВДА“ ЮЛДУЗЛАРИ

«Правда» колхози ҳар йилгидек бу йил ҳам йнгим-теримни бирин-чилар қаторида бошлади. Шу ку-ларда терим қизгандан қизиб бормоқда. Республикамининг улкан хирмонида қўшаётган ҳисса соат сайин ўсмоқда.

Колхоз пахтакорлари ўзлари-нинг маржон-маржон пешона те-рлари эвазига етиштирилган чаман-чаман «оқ олтин» тез ва соз те-риб олмоқдалар.

Колхозчилар 354 гектар пахта майдонининг хар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтаришга сўз берганлар.

Ахдида вафодор колхозчилар ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланмоқдалар. Хо-зиргача йиллик планининг учдан икки қисми адо этиб қўйилди. Бу ишда Социалистик Меҳнат Қаҳра-мони Тўхтаов Абдуллаева, Бер-қини Тўшмаков каби моҳир пахта усталари бошқарётган бригада-ларнинг ҳиссалари катта. Бу бри-гадани кунига 5 процентдан ошир-иб пахта тошмироқдалар. Улар тобора маррага яқинлашиб бормоқдалар.

Колхоз шухратига шухрат қў-шаётган Мухаббат Усмонова, Са-ломот Валиева, Машират Бадло-ва, Тўйноғ Дусова, Арофат Тур-сунмуродова каби кўпқинилог-ишчилар — «Правда» юлдазла-ридир. Бу ўт қорандар кунига 180—210 килограмдан пахта териб қўлларига намуна бўлиб кўриб. Колхоз аъзолари Улут Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллик тўйига катта тўйна ҳади қилиш ниятидалар.

Х. ОБИДОВ,
Оржоникидзе райони.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СОВЕТ-ЛАРИ КЕНГАШИ

Яқинда область хотин-қизлар советининг кенгайтирилган йил-лиги бўлди. Йилгишда шаҳар ва район хотин-қизлар советлари раислари иштирок этидлар.

Янги йўл ва Оқўрғон район хо-тин-қизлар советларининг раисла-ри Т. Ничево ва Н. Нагай ўртоқ-лар пахта терим кампанияси да-врида колхозчи хотин-қизларга ма-даний маъий шароит яратиб бе-риш ҳақида сўзлашди. Шунинг-дек, Олмадиқ шаҳар хотин-қизлар советининг раиси А. Г. Зверева-нинг «Улут Октябрнинг 50 йил-лигига тайёргарлик кўришда хотин-қизларнинг иштироки» ҳақидаги ҳиссотиб тилланди.

Йилгиш қатнашчилари Ок-тябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун хотин-қизлар со-ветлари ишларини янада кўчати-риш юзасидан тадбирлар белгила-дилар ва ўзаро таъриба алмаши-лар.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

СОВЕТ ХАЛКИНИНГ ФАРОВОНЛИГИ ЙУЛИДА

ТОККО. 28 сентябрь. (ТАСС). Бутун Япониядаги «То-кио синмун» газетаси бундай деб ёзди: Совет Иттифоқида меҳнатқашларнинг турмуш даражасини ошириб чоралари кў-рилади. «Иқтисодий планлашти-рининг янги системасини жорий қилиш тўғрйли халқ эко-номикаси ёппасига ривожлан-ганлиги ва олинаётган фойла кўпайганлиги, миллий даромад ошганлиги натижасида шундай чоралар кўриш мумкин бўлиб қолди». «Кўрилган чоралар-нинг амалга оширилиши,— деб ёзди газет,— кент халқ оммасининг турмуш даражасини кўтариди».

Экономика капиталистлар то-монидан контроллик қилинмас-дан, балки халқ кўлида бўлган паронда, деб ёзди «Морнинг стар», санаот ва техника соҳа-сидаги муваффақиятларнинг са-маралари бойлар кўлига туш-масдан, балки янги тараққиёт учун тақсимлангани ва фойда-ланганини мумкин. СССРда меҳнатни тежандиган янги ма-шина ва ускуналар ишчиларни ишдан бўшатинга олиб келмай-ди, балки меҳнат унумдорлиги-ни тагин ҳам кўпроқ оширишга, иш ҳақини тагин ҳам кўпайти-ришга, иш ҳақасини тагин ҳам қисқартиришга ва олпуска му-ддатларини янада узайтиришга олиб кетади.

лигини янада оширинга хизмат қилганга тадбирлар Совет Иттифоқида 1968 йилнинг бо-шида амалга оширилади» деб ёзди «Эюдойче дайтунг» га-зетаси.

Октябрь революциясининг 50 йиллиги арафасида, деб ёзди «Ди вельт» газетаси, КПСС Марказий Комитети, Совет ҳу-кумати совет халқи фаровонли-гини ошириб манфаатларини кўзлаб янги чоралар кўрмоқ-далар. Шу билан бирга газет иш ҳақини кўпайтириш ва олпуска муддатларини узайтириш чора-лари кўрилганлигини татқида-моқда.

ЛОНДОН. 28 сентябрь. (ТАСС). Бутун «Морнинг стар» газетасида босилган мақолада бундай дейилди: совет халқи-нинг фаровонлигини янада ошир-иш чоралари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Плену-ми қабул қилган қарор совет граждандарининг олаётган иш ҳақи ва пенсияларини тагин ҳам кўпайтириш, олпуска му-ддатларини янада узайтириш, даромад солигини камайтиради ва пенсиялар олишга ҳуқуқ бе-радиган ёшн янада камайтира-ди. Газета яна шу қарорлар билан дейибористлар ҳукумати-нинг хозирги иқтисодий сиёсати ўртасида жуда катта фарқ бор-лигини таъкидламоқда.

БОНН. 28 сентябрь. (ТАСС). Бутун ГАРбий Германиядаги га-зеталарда КПСС Марказий Ко-митети ва СССР Министрлар Советининг совет халқининг фар-овонлигини янада ошириб чо-ралари тўғрисидаги қарори баё-нини босиб чиқарди. «Москва халқининг турмуш даражасини кўтариш ниятида» деб ёзди «Франкфуртер алгемайне» га-зетаси.

Газеталар, бу қарор ишча ва хизматчилар учун иш ҳақининг энг кам миқдорини ошариш, олпуска муддатларини кўпайти-риш, солиқларни камайти-риш, пенсияларни ошариш ва шу қабиларни кўзда тутат-тир, деб таъкидламоқдалар.

«Совет халқининг фаровон-

НИГЕРИЯДАГИ АҲВОЛ

ЛАГОС. 28 сентябрь. (ТАСС). Федерал ҳарбий ҳукумат қў-шинлари Шарқий Нигериянинг пойтахти Энугу шаҳрига бевоси-тата яқин турибдилар.

Бу ерда эълон қилинган ҳар бий ахборотда айтиладики, фе-дерал қўшинлар Энугудан 8-10 километр масофада жойлашган Эгедэ, Ахум ва Укана маъзил-гоҳларини иш ол қилганлар.

Ўзини Биатра республикаси деб эълон қилган Шарқий Ни-герия пойтахти доимо тўллар-дан ўзқа туталиб турибди. Фе-дерал ҳарбий-ҳаво кучларининг Энугу темир йўл вокзали билан радиостанцияси-ни бомбардимон қилди.

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕЛАРИ

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ БАЁНОТИ

НЬЮ-ЙОРК. 28 сентябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси-нинг XXII сессиясидаги совет делегацияси матбуот учун қўй-даги баёниотни берди.

Яқин Шарқ мамлакатларига қурол-яроғлар етказиб беришни чеклаб қўйиш масаласи Бош Ассамблеянинг хозирги сессия-си ишлаб турган даврида СССР ва АҚШ вакиллари ўртасида муҳокама қилинди ва бу ҳуеу-да қандайдир битимга келинди, деб Америка матбуотида босил-иб чиққан хабарлар муносаба-ти билан совет делегацияси бу хабарлар уйдирма хабар экан-лигини айтишни зарур деб ҳи-соблайди.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XXII СЕССИЯСИ

майдн, чунки бу проблемани қурол ишлатиш йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

Кув де Мюрвиль ўқитиб айтдики, Шимолни Вьетнамни бомбардимон қилишни ҳеч сўз-сиз ва вақтинчи чекламай тўх-татиш тўғрисидаги қарорини Франция тўла равишда маъ-қуллаган бўлур эди.

Франция министри 1954 йилги Женев ва битимлари асо-сида Вьетнамдаги можарони бартараф қилиш бунг можарони бартараф қилишнинг бирдан бунг мумкин бўлган йўли деса бўлади, деб уқитиб ўтди.

Кув де Мюрвиль Яқин Шарқда тинчлиқни тиклашга даъват қилди. Бунинг учун у ҳамма томонлар рози бўлади-ган ва халқро ҳаммаият, яъни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маъқуллайдиган бит-тин тузиш зарур, деди. Бу бит-тин ҳамма давлатларнинг яшаш ҳуқуқини, уларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ва кемалар қатнашини таъминлаш ҳуқуқи сингари проблемалар-ни, шунингдек фаластинлик қочқинларнинг ахволи ва маз-кур давлатлар ўртасидаги ях-ши қўшнчилик муносабатла-ри тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиб бериш лозим. Тер-риторияларнинг чегаралари ва граждандарнинг статус маса-ласига келганда, деди Кув де Мюрвиль, шу районда рўй берган фактнинг ҳеч қайсисига қўшилиб бўлмайди. Шу билан бирга Франция ташқи ишлар

министри буюк давлатлар ўр-тасида битимга келинмаса, Яқин Шарқдаги ахволини бар-тараф қилиб бўлмайди, деди.

Кув де Мюрвиль Германия проблемасини бартараф қилиш кераклигини ҳам айтиб ўтди. Бунинг учун, деди у, вақт ке-рак, шу билан бирга реализм бўлиши ва ақли расолик бил-лан иш қилиниши керак.

Бунунди ташқи ишлар ми-нистрининг баш директори Жозеф Ндабанне айтдики, меннинг мамлакатимда монар-хия ағдариб ташланганидан ке-йин Бунунди социалистик ри-вожланиш йўлига тушиб олди. Бунунди вакили ривонлашган мамлакатлар учун Улут Октябрь социалистик револю-циясининг катта аҳамиятини қайд қилиб ўтди.

Бунунди вакили Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги аг-рессиясини қоралади, Вьетнам-

нинг мард халқи, деди у, ўзи-нинг миллий озодлиги учун курашмоқда. Вьетнам халқи ўз тақдирини ўзи белгилашга тўла равишда ҳақли. Чет дав-латларнинг қўшинлари Вьет-намда олиб чиқиб кетилиши лозим. Бунунди вакили Яқин Шарқдаги ахвол тўғрисида га-пириб айтдики, Исроил араб давлатларига қарши агрессия қилди. Исроил босиб олганга территориялардан чиқиб кети-ши лозим. Ндабанне Ро-дезиядаги Смитинг ирқчи ре-жимини Англия тинчтишга уринаятганлигини таъкид қил-ди. Шу билан бирга у Бирлаш-ган Миллатлар — Ташкилотда Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини қайта тиклаш кераклигини ҳам ай-тди.

Шу билан Ассамблеянинг эр-талабни ялпи мажлиси тугади.

ЖАДАЛ СУРЪАТ

Пахта карвонига пешқадам бўлиб бораётган Янгиёул райо-нидаги Свердлов номи кол-хоз пахтакорлари йнгим-терим-ни жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Улар Совет ҳокимиятининг ярим асрилик тў-йини «оқ олтин» ҳосилдорлиги-ни 35 центнерга етказиш билан кутиб олтишмоқчи.

Азамат механизаторлар ва чевар теримчиларнинг гайрат-шижоати тўғрйли колхоз суръ-ати тобора кўчатириб, юби-лей марраси сари яқинлашмоқ-да. Илгариги йиллар ҳўнажик да машина теримининг кўлими унчалик кенг эмас эди. Бунга сабаб пахта пайкаллари кичик-кичик бўлиб, машиналарнинг унумли ишлаш олмаслигида эди. Бу йил колхозчилар кўп-гина карталарни бир-бирига қў-шиб йиритишдириллар ва ма-шиналарга равои йўл очдилар. Бундан ташқари бутун ёз бўйи

барча пайкаллардаги гўзани машинабон қилиб ўстиришга алоҳида эътибор бердилар.

Мана энди ўша тадбирлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Даладарда ишлаётган «занго-ри кема»лар кўнлик суръатини оширишда катта аҳамиятга эга бўлапти. Илгор механик-ҳай-довчилардан Хасанов Отақи-шев, Ҳамрали Мирзаазизов, Нурилла Баротов, Ҳамид Ма-ликов, Йўлдош Зиёев ка-би ўртоқларнинг хар бири бун-кердан кунига уч-тўрт тон-надан пахта тўқмапти. Колхоз-нинг пешқадам зенолари би-рин-кетини юбилей маррасини ағталамоқдалар. Механизатор-лардан Х. Отақишев ва Х. Мир-заазизов ўртоқлар бошлиқ зено-лар пахта тайёрлаш йиллик планини биринчилар қаторида бажардилар. Деҳқонлар энди қирқ центнерлик марраи кўз-лаб иш туттишмоқда.

Райондаги Оқубобоев номи колхоз механизаторлари ўтган йили ялпи ҳўнажик 70 про-центини машиналар билан те-риб олган эдилар. Бу йил эса Улут Октябрнинг 50 йиллиги шарофатида катта 80 процент ҳосилин машиналар билан те-риб олишга беғ бўлашди. Шу неча-кундада қўнажик дала-рида 55 та «зангори кема» жа-влон урмоқда. Хар бири 80—120 тонадан пахта териш учун курашганга механизаторлардан И. Жураев, А. Асқаров, М. Бердалиев, Х. Қўчқоров, А. Холматов ўртоқлар бошларга намуна кўрсатишлпти.

Шунингдек, «Эубекист он ССР 30 йиллиги» колхозининг ўртоқ А. Қўриқалиев бошлиқ зеноси деҳқонлар ҳам юбилей йили пахта терим масумини кун сайин авж олдиришмоқда.

Ў. ШОҚАФИЗОВ,
Т. НҲРҚУЗИЕВ,
Қ. БУЛҒАНБОВЕВ.

ИРҚЧИЛАР КУЧ ИЙМОҚДА

ЛОНДОН. Зимбабве ватан-парварларнинг ирқчи Смит режимида қарши қуролли кура-ши Жаңубий Африка Респуб-ликаси ҳукуматини чиндан ҳам ташвишга солиб қўйди. Бу ҳу-кумат, миллий озодлик ҳарака-ти тўқини Жаңубий Африкага тагин ҳам зўр куч билан ёйла-маскинан, деб ҳавотирланмоқ-да.

Озодлик кураши кенгайиб бораётганлигидан қўрқатган Форстер ҳукумати куч йиғи-ни давом эттиришга мажбур бўлмоқда. Жаңубий Африка Республикаси ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондони гене-рал Х. Мартининг айтишича қараганда, қирувчи реактив «Вампир» самолётларнинг эс-кардрилиши Кейптаундан Пи-терсбургга, яъни Жаңубий Аф-рика Республикасининг Роде-зия билан шимолги чегарасига яқин жойга қўйрилди. Бун-дан олдин бу ерга «Сейбр» са-молётларининг эскадрильяси Преториядан келтирилган эди. (ТАСС).



Меҳнат шароитларини яхшилаш й талаб этаётган АҚШ ўқитувчи-ларининг қасаба союзулари билан шаҳар ҳокимияти ўртасида туғил-ган низо тўғрйли Қўшма Штатлардаги бир неча шаҳарларнинг мактабларида ўқитилар тўхтаб қолган. Бу низо ҳақон давом этиб келмоқда. Суратда: Нью-Йорк ўқитувчилари намоён бўлиши. ТАСС фотоси.



ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ. Санъат саройининг кўриниши.

М. МИРЖАЛОЛОВ фотоси.

«Тошкент аҳолиси ва шаҳар истиқболи»

...Шарқнинг дарвозаси номи билан машҳур Тошкент аҳолисининг сони, ҳўжалик тармоқларининг юксалиши жиҳатидан дунёдаги кўпгина йирик шаҳарлар билан тенглаша олади... Ҳозир Тошкентда бир миллион 125 минг киши яшайди. Пхеньян, Ханой, Стокгольм, Брюссель, Лиссабон, София, Жазоир, Вашингтон каби шаҳарлар аҳолисида кўп, демократик Берлин, Прага, Амстердам, Гавана, Сингапур аҳолисига эса тенгдир.

Бу фактлар яқинда Ўзбекистон «Фан» нашриёти босиб чиқарган иқтисод фанлари кандидати Ёгамберди Тошбековнинг «Тошкент аҳолиси ва шаҳар истиқболи» китобидан олинган.

Китобча қадимий ва айни вақтда навирион Тошкентнинг аҳолиси, ўтмиши, совет давридаги тараққиёти ва унинг истиқболи ҳақида баҳс юритилади. Автор тошкентликлар ўтмишидан сўз очар экан китобхонни Тошкент қачон, қандай иқтисодий ва табиий шартларда пайдо бўлгани, нима учун шаҳар қурилишига шу географик нуқта таллаб олингани, шаҳарнинг дастлабки машғулоти билан қисқача таништиришда ҳаракат қилган. Сўнгра китобчада тошкентликларнинг чор Россияни давридаги қисмати ҳақида тўхтади. Шу даврда аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга қўчириб юриши — миграцияси яқиндаги ҳақиқат. Тошкентликларнинг ана шу миграцияси

хисобига тез қўпайиши хусусида қизиқарли фактлар келтирилади. Социалистик Тошкент аҳолиси ҳақида алоҳида боб бор. Ҳўжаликнинг фан-техника асосида ўсиб бориши натижасида янги-янги соҳалар вужудга келиб, янги касб эгалари ва шу соҳаларнинг мутахассислари пайдо бўла бошлади. Шу ўринда китоб авторини Тошкент аҳолиси профессионал составигаги ўзгаришларни пухта текширган.

ЮБИЛЕЙ КИТОБЛАРИ

Китобнинг яна бир боли янги Тошкент билан таништирилади. Асарда асосий эътибор янги Тошкентнинг ақтуал масалаларига қаратилади. Аҳоли ва уй-йўй қурилиши, ободончилик масалалари, маданий муассасалар, маънавий таъминот, медицина, транспорт хизмати қандай йўлга қўйиши, шаҳарликларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун нималарга кўпроқ эътибор қилиш хусусида қимматли мулоҳазалар айтилган.

Зилзиладан сўнг республикамиз пойтахти ҳаётида юз бераётган жуда катта ўзгаришлар китобчада ўз ифодасини топади. Китоб, шубҳасиз, кейинги бир аср давомида Тошкентнинг демографиясида содир бўлган соҳа ва сифат ўзгаришларни ўрганишда муҳим манба бўла олади. Бу жиҳатдан автор тузиб чиққан жуда кўп жадаллар, диалоглар, катталар диққатга сазовордир.

Бу рисола Шарқнинг энг қўна ва навирион, обод ва гавжум шаҳри бўлган Совет Ўзбекистони пойтахти ҳақида, унинг узоқ ўтмиши, революцион тарихи ҳақида энди

энди ёзила бошлаган китоблар, илмий асарлар, тадқиқотлар сифидан муносиб ўрин олади. Шаҳар ҳўжалигининг жуда кўп проблемаларини ва уларни самарали ҳал этиш юзасидан автор ўртага ташлаган конкрет фикр ва мулоҳазалар аҳоли таъминоти билан шугулланувчи барча ташкилот ходимларига тааллуқлидир.

С. МУСАЕВ.

МАЪЛУМОТИНГИЗГА

«ТОШКЕНТ АҲОЛИСИ ВА ШАҲАР ИСТИҚБОЛИ» КИТОБИДАН

1913 йилда шаҳар бўйича ҳамма турдаги шахсий ва давлат мактабларида 9960 ўқувчи бўлиб, шундан 1621 таси қизлар эди. 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатида шаҳарда 246 олий, 2582 ўрта маълумотли киши борлиги ва уларнинг ҳаммаси дворян, савдогар ва меъшар оилалардан эканлиги қайд қилинган.

1900—1913 йиллари 50 процент аҳоли сил, ошқозон, терм, ички, тиф ва турли касалликлар билан оғриган. Старогоспитальная, Казачья слободка, Константинов, Москва, Пушкин кўчаларида, Қашкар ва янги кўпгина маҳаллаларда ҳар йили ёппасига 20 мартадан хавфли касал тарқалган.

1913 йили шаҳардаги медицина муассасаларидаги врачлар, ҳамширалар, тиш докторлари ва дори тайёрловчилар сони 148 киши эди, холос.

1910 йили «эски» шаҳарда 2843 та катта-кичик қорхона ва савдо дўконлари бўлган бўлса, «янги» шаҳарда 2568 та эди. 1913 йилга келиб Тошкентдаги 110 та саноат қорхонасида бор-йўғи 2512 ишчи, 3760 ҳўнармандчилик қорхоналарида эса 9000 ишчи ишлаган.

1897 йилнинг бошида ўтказилган аҳоли рўйхатида кўра шаҳардаги 155,6 минг кишининг 88,2 минг эриксиз, 67,5 минг хотинлар бўлган.

Ҳозир Тошкент йирик индустриал шаҳар. Унда 70 дан ортиқ саноат тармоғи мавжуд бўлиб, жами 400 та қорхона турли турли саноат молларини ишлаб чиқармоқда.

Агар 1900 йили ҳар 10000 кишига 0,3 врач тўғри келган бўлса, 1913 йили 1,5; 1926 йили 14; 1940 йили 25; 1950 йили 45; 1960 йили 58; ҳозирги кунда эса 70 та яқин врач тўғри келади.

Ҳозирги вақтда Республика саноат фонднинг 21 проценти, оғир саноат маҳсулотларининг 53 проценти, машинасозлик ва металл ишлашнинг 70 проценти, шунингдек, енгил, озин-оқат саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг салмоқли қисми Тошкент зиммасига тўғри келади.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамияти Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги олдидан «Ёдгорликларни сақлаш — умумхалқ иши» деган темада конкурс эълон қилди. Бу конкурсга рангли ва оддий фотосуратлар ҳамда республикамиз маданий ёдгорликлари ҳақидаги фотоочерклар қабул қилинади. Суратчилар Ўзбекистоннинг архитектура, археология, этнография, тарихий-революцион ва санъат ёдгорликларини объективга туширишлари мумкин.

Конкурс қатнашчилари учун ҳар бири юз сўмдан иккита биринчи мукофот ва ҳар бири эллик сўмдан тўртта иккинчи ҳамда ҳар бири 25 сўмдан 4 та учинчи мукофот таъсис қилинган. Бундан ташқари олти та рағбатлантириш мукофотлари ҳам бор.

Фотосуратларни шу йил 1 ноябргача тақдим этиш лозим. Уларни ёдгорликларни сақлаш жамиятига — Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уйга юбориш лозим.

Ҳурматли фотостустлари ва хаваскор суратчилар, юнтерларни ишга солинг. Конкурса марҳамат!



Қиз ҳаёлида илҳом париси.

Н. Муҳаммаджонов фототўюди.

„ХУРСАНД БЎЛАСИЗ“

(Ваъдаев ўз хонасида. Телефонда гаплашиб саволларга «хў», «бажарамиз» деб жавоб беради. Хонага Сарсонов кириб келади).

Сарсонов — Салом-алайкум. Муминимми?

Ваъдаев — Келинг ука. Хўш ишлар қалай, шикоятларинг текширилсинми?

Сарсонов — Кечирасиз. Сиз мени биронта ходимингизга ўхшатя-сиз шекилди.

Ваъдаев — Ҳа... Бўлмаса мен сизни танимадим, кимсиз?

Сарсонов — Яхшилаб қаранг, танисангиз керак.

Ваъдаев — Ука, менинг олдимга минг хил одам кириб, минг хил чиқади. Хўш кимсиз, нима масалада келганысиз?

Сарсонов — Менга ёрдам бериш тўғрисида ижрокомнинг қарори бор, аризм қўлингизда Шифер ва гишт масаласида калганман. Утган ҳафта келаси ҳафта келинг, хурсанд бўласиз, деган эдингиз.

ИНТЕРМЕДИЯ

Ваъдаев — А... бўлди-бўлди... фамилиянгиз... Сарсонов? Менга қаранг? Келаси чоршанбага келинг.

Сарсонов — Хўш, нега?

Ваъдаев — (Сарсоновнинг куло-

нига) Гап бор, кейин хурсанд бўласиз.

Сарсонов — (Чоршанба кунини айна келади. Эшикдан мўралайди, хонада бир чол ўтирибди). Хайрият ўзларида эканлар, зора бүгун хурсанд қилиб юбурсалар. (Ичкаридан қўлнинг овози эшитилади).

Чол — Уч ҳафтадан бери қатнайдим, ўғлим... Бўғи салқин тушиб қолди.

Ваъдаев — Бўлди отам, бўлди. Душанбага келинг, тўғрилаймиз.

Чол — Яна-я, нега болам?

Ваъдаев — (Кулоғига). Гап бор, кейин хурсанд бўласиз.

Чол — (Хурсанд) — Умрингдан баракка топ, яна болам, хўп, душанбада келаман.

(Чолдан бўшаган стулга Сарсонов кириб ўтиради).

Ваъдаев — Келинг ука.

Сарсонов — Мен Сарсоновман... (Ваъдаевнинг кулоғига). Чоршанба кунини келинг деган эдингиз.

Ваъдаев — Сарсонов... Ҳа... бўлди, мени қаранг! Шу келаси шанбага келсангиз.

Сарсонов — Яна-я! Негат?

Ваъдаев — (Кулоғига). Гап бор, кейин хурсанд бўласиз.

Сарсонов — (Унинг кулоғига). Мен ҳам ўша кунгача устингиздан бошлаб шикоят ёзмаман.

Ваъдаев — Негат?

Сарсонов — Гап бор, кейин хурсанд бўласиз.

Ўқтам ЖОБИРОВ.

Олтин куз.

М. МИРЖАЛОЛОВ фототўюди.

ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

Утган чоршанба кунини пойтахти мидаги Ҳамид Олимжон номли адабиётчилар уйига шеърият муҳлисари — поэзия шинаваллари тўпландилар. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муносабати билан бу ерда атоқли шоирлар ва талантли ёш қаламкашлар и тироқда катта мушоира кеч бўлиб ўтди. Оқшом мушоираси Ўзбекистон ССР халқ шоири Ҳамид Олимжоннинг 50 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтди. Оқшом мушоираси Ўзбекистон ССР халқ шоири Ҳамид Олимжоннинг 50 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтди. Оқшом мушоираси Ўзбекистон ССР халқ шоири Ҳамид Олимжоннинг 50 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтди.

Мушоира кечаси улкан адаб Олимжоннинг лирик шеърлари билан бошланди. Иккинчи бери кетган атоқли ўзбек шоирлари тўғрисида қатор шеърлар ўқилди. Жонжон Ватан, Улуғ Октябр, Бахт, тинчлик, инсонийлик, она, дустлик, муҳаббат, табиат, ҳаёт мавзуларидаги нафис, жўшқин шеърлар янгради.

Поэзия муҳлисари ўзбек шеъриятининг юлдузлари ва талантли қаламкашлар — Уйғун, Собир Абдулла, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Мирмуҳсин, Ҳамид Гулом, Қуддус Муҳаммадий, Туроб Гула, Шукрулло, Шукр Саъдулла, Саид Зуннунога, Жуманиёз Жаббаров, Зоҳиддин Обидов, Султон Абкарбий, Толиб Йўлдош, Восит Саъдуллаевнинг шеърларини катта эътибор билан тингладилар.

Шеърият оқшомига қатор талантли ёш шоирлар ҳам таъшир бўйиришганди. Шу кеча Азиз Абдуразақ, Эркин Боқидов, Гулчара Жураева, Хусниддин Шарипов, Ҳайриддин Салоҳ, Сайёр, Юсуф Шомансур, Абдулла Ориповлар ўзларининг дилрабо шеърларини ўқиб бериб, йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлишди.

Мушоира кечасида ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндалари, марҳум шоирлар — Ҳамид Олимжон, Ғафур Гулом ва Шайх-задаларнинг овози эсиб олинган ленталар эшитирилди, кечга алоҳида руҳ бахш этилди.

Мушоира оқшомини зур кўтаринчилик билан ўтди, йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

А. ЮСУПОВ.

О. АБДУРАҲМОНОВ.

Редатор А. ИСМОИЛОВ.

ҲАР ТЎҒРИДА

ТУРТ ОЕКЛИ ГЕОЛОГЛАР

Итлар разведкачи, геологлар бўласлар экан. Махсус ўргатилган бундай жониворлар турли хил минералларнинг ҳидларига қараб топа олар экан. Бу йил Кольск ярми оролида олиб бориладиган геологик-ишларда биринчи бор тўрт оёқли геологлардан фойдаланилди. СССР Фанлар академияси Иервела Филиппининг геологик институтини кузурда махсус ўргатилган учта ит минералларини кидириб топишда геологларга ёрдам берди. Итлар Печенга қўйилган. Алпаречески массивида бешта рудали тепаликларини кидириб топди. Бир-бирига закирдек улашиб кетган бу тепаликларда составида никель бўлган қазилма бойликлари борлиги аниқланди.

САМОЛЕТДАН ЧАНГИДА ПАРВОЗ

Австриялик машҳур тоғ чангичи Эрик Фельбермайер келатган кишичи мавсумда самолётдан чангида сакраша тақрибланишнинг янги йўлини аниқлади. У самолётда 6000 метр баландликка кўтарилмоқчи

ва ўша ердан чангида сакраб Маттерхорн тоғлари ёнбағрига кўнмоқчи.

Фельбермайер журналистлар билан қилган суҳбатда парашютсиз сакрашаганини айтди. У таҳминан 3000 метр масофагача ҳавода парвоз этиб дастлайди. Сўнгра олдиндан тайёрлаб қўйилган махсус жойга қўниб, ластга томон қангиди учиб тушади.

Машҳур чангичи ўзининг жуда кўп кишини ҳайратда қолдирувчи қилиқлари билан танилган. У баландлиги 200 метр бўлган тик қоядан сакраб ерга омон-эсон тушган. «Самолётдан чангида сакрашми, — деди чангичи, — кўпчилик ўзини-ўзи ҳалок қилиш деб ҳисоблайди. Менимча бу ўнчалик эмас. Албатта ўз оиланг ҳақида уйлсанг ҳеч вақт 6000 метр баландликдан сакрамайсан. Аммо ана шу тавakkал билан қанча пул ишлаб олишининг уйлсанг ҳамма қилкилар чипканка чиқади. Мен тавakkал қилишга одатланганман. Жаҳонда ҳеч ким самолётдан чангида сакрашми ўзининг касби қилиб олмаслигини учун шошиқим керак...»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — Эшиттиришлар программаси, 11.00 — География дасиси (телефильм), 11.30 — Концерт, 12.05 — Чин ҳикоятлар (адабий театр).

Ўзбек тилида: 13.00 — Спорт («Эшланг» студияси), 13.30 — Иванна (бадий фильм), 16.55 — Эшиттиришлар программаси, 17.00 — Телевизионлар (рус тилида), 17.10 — В. И. Ленин ҳақида ҳикоятлар (болалар учун), 17.30 — Олим бўлсанг — олам сенини («Эшланг» студияси), 18.20 — Адабиёт ва санъат (тележурнал), 19.40 — Телевизионлар, 19.55 — Эшиттиришлар программаси.

20.00 дан — Москва нўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — Москва нўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 16.55 — Эшиттиришлар программаси, 17.00 — Уч чўчка боласи ва кулранг бўри

(болалар учун кўпроқ фильм), 17.20 — Санъатнинг, порлайвер (мактаб ўқувчилари учун), 17.50 — Телевизионлар, 18.00 — Революция қачирини билан... (кино-эшиттириш), 19.25 — Танишинг — ёш ижрочилар.

Ўзбек тилида: 20.00 — Ешлар овози (адабий эшиттириш), 20.20 — Совет Шарқи халқлари куйлари, 21.00 — Телевизионлар, 21.10 — Гуноҳкор фаршда (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 дан — Москва нўрсатади.

20.00 дан — Фрунзе курсатади.

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — IX да эрталаб Доктор Айболит, кечкурун Шоир юрғи.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30X да Сўнгги кўрбон, 1/Хда кундуз Алжонлар.

рим, кечкурун Ўйрилган умр.

МУҚИМНО НОЛИ ТЕАТРИДА — 30/Х да Тошбола ошми, 1/Х да кундуз Гаҳарон измироғ, кечкурун Ўғил уйланириш.

КИНО

КИШКИ БИНОДА

Тоғдаги учашув — «КОМСОМОН 30 ЙИЛИГИ», «ЧАЙКА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛИГИ» (кундуз ва кечурун), САНЪАТ САРОНИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Учинчи июль қарғат — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечурун).

Фантомас — 4 ва 2-серия — НАВОНИ номли кундуз ва кечурун, САНЪАТ САРНИ (кеч соат 6 ва 9-15 минутда).

ЭЗ БИНОДА

Тоғдаги ўрашув — «ОСТЕЯ ВАЛЬЕ».

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Анна Руссинга раҳбарлигида Совет Иттифоқида биринчи ликутлар циркиннинг

ГАСТРОЛЛАРИ

Тошбола кеч соат 7 яримда бошланади.

30 сентябрда — иккинчи марта

— кундуз соат 4 ва кеч 7 яримда.

1 октябрда — уч марта — кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

Олдиндан билет сотиш касса-си очилди.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

администратор, сахна ишчилари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уй, надрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

1. ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

троллейбус бошқарувчилари нурсига

(кундузги ва кечки)

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй, экспуатация бўлими.